I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йил январь-март ойларида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми 5804,6 млрд. сўмни ташкил этди ва 2019 йилнинг январь-мартга нисбатан ўсиш суръати 100,6 фоизни ташкил этди.

2020 йил январь-март ойларида аҳоли жон бошига ЯҲМ 1765,9 минг сўмни ташкил қилди ва бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати -1,5 % га камайди.

Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМни шакллантиришда Қашқадарё вилоятининг қўшган ҳиссаси 5,3 % ни ташкил этди.

2019-2020 йилларнинг январь-март ойларида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби

	млрд. сўм		*2019 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида*
	2019 йил январь-март	*2020 йил январь-март*	
I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами	**5218,8**	**5804,6**	**100,6**
шу жумладан:			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	4585,2	5410,0	100,8
Маҳсулотларга соф солиқлар	633,6	394,6	99,4
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	**4585,2**	**5410,0**	**100,8**
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1047,5	1231,7	102,9
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	1600,7	1788,4	94,7
Саноат	1216,4	1317,8	91,6
Қурилиш	384,3	470,6	104,7
Хизматлар	1937,0	2389,9	104,6
Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	397,5	466,9	103,2
Ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	317,8	370,1	107,1
Бошқа хизматлар	1221,7	1552,9	104,4

ЯҲМ-иқтисодий резидент-бирликлар ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний натижасини ифодаловчи ва ушбу бирликлар томонидан якуний фойдаланиш учун ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар қиймати орқали ўлчанадиган Миллий ҳисоблар тизимининг асосий кўрсаткичларидан биридир.

Иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги - 102,9 фоиз (ЯҲМ таркибидаги улуши – 22,8 фоиз), қурилиш – 104,7 фоиз (8,7 фоиз), хизматлар – 104,6 фоиз (44,1 фоиз) ни ташкил этди. Саноат тармоғининг ўсиш суръатида эса камайиш юз берди ва 91,6 фоиз (ЯҲМ таркибида улуши 24,4 фоиз) ни ташкил этди.

ЯҲМ нинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари
(фоизда)



Иқтисодий фаолият турлари

Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби

(жамига нисбатан фоизда)



2020 йилнинг январь-март ойларида ЯҲМ таркибида хизматлар соҳасининг улуши 44,1 фоизни ташкил қилди, бу эса 2019 йилнинг январь-мартга нисбатан 1,8 пунктга кўпдир (42,3 фоиз). Жумладан, ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари 0,1 пунктга камайди ва ҳисобот даврида 6,8 фоизни ташкил қилди. Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар улуши 8,6 фоизни ташкил қилди, хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар улуши 2019 йил январь-мартдаги 26,7 фоиздан 2020 йил январь-мартда 28,7 фоизга ўзгарди.

ЯҲМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 58,5 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди.

Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби

январь-март ҳолатига (*жамига нисбатан фоизда*)

2019 йил январь-март



2020 йил январь-март



Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ динамикаси

	Минг сўм	*Ўсиш суръати, %*
2019 йил январь-март	1621,1	98,0
2020 йил январь-март	1765,9	98,5

2020 йил январь-март ойларида ЯҲМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси, % да

Қашқадарё вилояти иқтисодиётининг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, саноат тармоғининг камайиши 91,6 % (ЯҲМ таркибидаги улуши 24,4 %), қурилиш 104,7 % (8,7 %), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 103,2 % (8,6 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа 107,1 % (6,8 %) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар 104,4 % (28,7 %) ни ташкил этди.